
Ўзбекистонда янги партия ташкил этилди

Яна бир партия — Ўзбекистон экологик партияси ташкил этилди.

Айни пайтда пойтахтдаги Халқаро савдо марказида янги партия ташкил этиш бўйича ташкил этилган Ўзбекистон фуқароларидан иборат ташаббускорлар гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтмоқда, дея хабар қилди ЎЗА.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига асосан экологик партия ташкил этиш бўйича мамлакат фуқароларидан иборат ташаббускорлар гуруҳи шаклланди.

Борий Алихонов раислигида ўтказилаётган мазкур анжуманда Ўзбекистон экологик партияси ташкил этилгани маълум қилинди.

«Газета.uz»

2018-11-14 17:19:25